

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИНИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна
Ўзбекистон Миллий университети
ЎзМУ Тарих факультети

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20920788>

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд 120 та шаҳарларнинг хусусан, республикадаги 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳарлар олинган. Унда ҳудудни урбанизация кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, диаграмма шаклда кўрсатилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются 120 городов Республики Узбекистан, включая 12 областей республики, город Ташкент и Республику Каракалпакстан. Разработаны и представлены в диаграммной форме показатели урбанизации региона.

Abstract: This article takes into account 120 cities in the Republic of Uzbekistan, including 12 regions of the republic, the city of Tashkent, and the Republic of Karakalpakstan. It develops and presents the urbanization indicators of the region in a diagrammatic form.

Калит сўзлар: классификация, аҳоли сони, зичлиги, меҳнат ресурсларининг салмоғи, урбанизация даражаси.

Ключевые слова: классификация, население, плотность, вес трудовых ресурсов, степень урбанизации.


Key words: classification, population, density, weight of labor resources, degree of urbanization.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий жиҳатидан 1 та республика, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрини бирлаштирган ҳолда аҳоли сони, зичлиги, меҳнат ресурсларининг салмоғи, урбанизация даражаси билан Марказий Осиё давлатлари орасида алоҳида ўринга эга. Хусусан, жаҳоннинг 233 та мамлакати урбанизация кўрсаткичлари кўрсатилганда Қозоғистон Республикаси 58,39 фоиз билан 140 ўрин, Туркменистон Республикаси 54,52 фоиз билан 150 ўрин, Ўзбекистон Республикаси 50,63 кўрсаткич билан 160 ўрин, Қирғизистон Республикаси 38,17 фоиз билан 192 ўрин, Тожикистон Республикаси 28,52 фоиз 207 ўринни эгаллаган[1]. Мазкур кўрсаткичларни Марказий Осиё давлатлари миқёсида кузатадиган бўлсак, қўшни Қозоғистон ва Туркменистон Республикаларидан кейин 3-ўринда олган ҳолда, ўрталикда турганлигини кўриш мумкин.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 36799,8 кишини ташкил этган ҳолда, 1 км/кв ер майдонида ўртача 82,0 нафар доимий аҳоли сони тўғри келади. Ҳозирги кунда республикада 120 та шаҳар, 1058 та шаҳарчалар мавжуд[2]. Республикада ўтган йиллар мобайнида урбанизация даражаси кўтарилди. Бугунги кунда республика урбанизация кўрсаткичи 50,63 даражада турибди. Пойтахт Тошкент шаҳрининг урбанизация кўрсаткичи 100% ни ташкил этган ҳолда кейинги ўринларда водий вилоятлари кетма-кет ўринларда энг юқори кўрсаткичларда турибди. Яъни, Наманган вилояти 64,9 %, Фарғона вилояти 56,9 %, Андижон вилояти 52,2 % (1-диаграмма).

1-диаграмма¹

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги урбанизация кўрсаткичлари (2024 й)



Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий жиҳатидан 1 та республика, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳридан иборат. Ҳозирги кунда республикада 120 та шаҳар, 1058 та шаҳарчалар мавжуд[3]. Мазкур шаҳарлар ҳудудлар кесимида Қорақалпоғистон Республикасида 12 та, Андижон вилоятида 11 та, Бухоро вилоятида 11 та, Жиззах вилоятида 6 та, Қашқадарё вилоятида 12 та, Навоий вилоятида 7 та, Наманган вилоятида 8 та, Самарқанд вилоятида 11 та, Сурхондарё вилоятида 9 та, Сирдарё вилоятида 5 та, Тошкент вилоятида 15 та, Фарғона вилоятида 9 та, Хоразм вилоятида 3 та, Тошкент шаҳри. Шаҳарлар миқдори жиҳатидан 1-ўринда Тошкент вилояти (15 та шаҳар), 2-ўринларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилояти (12 та шаҳар), 3-ўринларда Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятлари (11 та шаҳар), 4-ўринларда Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари (9 та шаҳар), 5-ўрин Наманган вилояти (8 та шаҳар), 6-ўрин Навоий вилояти (7 та шаҳар), 7-ўрин Жиззах вилояти (6 та шаҳар), 8-ўрин Сирдарё вилояти (5 та шаҳар), 9-ўрин Хоразм вилояти (9 та шаҳар) эгаллаган(1-жадвал).

1-жадвал²

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги шаҳарлар сони (01.01.2024 й)

№	Ҳудудлар	Шаҳарлар сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	12 та
2	Андижон вилояти	11 та
3	Бухоро вилояти	11 та
4	Жиззах вилояти	6 та
5	Қашқадарё вилояти	12 та

¹ Давлат статистика қўмитасининг 2024 йил бошида берган маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

² Давлат статистика қўмитасининг 2023 йил маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

6	Навоий вилояти	7 та
7	Наманган вилояти	8 та
8	Самарқанд вилояти	11 та
9	Сурхондарё вилояти	9 та
10	Сирдарё вилояти	5 та
11	Тошкент вилояти	15 та
12	Фарғона вилояти	9 та
13	Хоразм вилояти	3 та
14	Тошкент шаҳри	1 та

Ўзбекистон Республикасида замонавий шаҳарсозликнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда. Биринчидан, минтақада жойлашган тарихий шаҳарлари катта ва кичик шаҳарларда жойлашганлигидадир (Чуст, Марҳамат, Қува, Поп, Косонсой, Риштон, Шаҳрихон, Асака, Хонобод, Қорасув) ва уларнинг кўпчилиги азалдан хунармандчилик марказлари сифатида ривожланганлиги ҳамда бугунги кунда ҳам ушбу анъаналарнинг давом этаётганлиги (Риштон, Чуст, Шаҳрихон), учинчидан, катта ва кичик шаҳарлар таркибида республика аҳамиятидаги йирик sanoat шаҳарларининг мавжудлиги (Янгийўл, Косон, Денов, Хўжайли, Каттақўрғон, Когон, Ургут, Беруний, Асака, Қувасой), тўртинчидан, тадқиқот объекти бўлган катта ва кичик шаҳарларда бугун рекреация марказлари тараққий этаётганлигига айланиб бораётганлиги (Чортоқ, Косонсой, Хонобод), бешинчидан, транспорт марказлари (Когон, Ховос, Қўнғирот) нинг тараққий этиб бораётганлиги, минтақа шаҳарларининг аксариятини туманга бўйсунувчи кичик ва ўрта шаҳарлар ташкил этаётганлиги, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар республиканинг барча вилоят марказлари бўлган ҳолда Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Хоразм вилоятларида 2 тадан, Навоий, Сирдарё вилоятида 3 та, Фарғона вилоятида 4 та, Тошкент вилоятида 7 тани ташкил қилаётганлигидадир.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. <https://statisticstimes.com/demographics/countries-by-urban-population.php> маълумотлари 2024 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари // <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography>